2024-yil 24-oktabr, payshanba

№128 (5036)

Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

Ishonch

• O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan



Фотоэтюд

КУЗ ВА ҚИЗАЛОҚ

Пушти нигоҳларда
шафтолизорлар,
Пушти сепларини ёяр
кенг қишлоқ.
Дунё ҳийласига юзин
бурганча,
Пушти кўнгилчасин
асрар қизалоқ.

Нилуфар ЭРГАШОВА

Эъзоза УМУР олган сурат

Суратда: тошкентлик 7 ёшли қизалоқ Садоқат Абдуманнонова.

Уйғоқ нигоҳ

Абдусаид КЎЧИМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

Бугуннинг раҳбарлари

Кўз ташласанг мозийнинг бепоён даштларига,
Саробдек жимирлагай замонлар карвонлари.
Саҳройи қирлар каби саҳро оташларида
Чарчаган карвонларнинг серташвиш сарбонлари.

Ярадор шердек ваҳший тўфонлар чангалида,
Ожиз капалак мисол титранганда кемалар;
Дарғалар бўлмасайди уммонлар жангларида,
Кемани бир пашшадек ютарди ваҳималар.

Панипатда бир ҳовуч шерюрак лашкар билан
Бобуршоҳ қучмасайди ғолибона талъатни;
Ботирларнинг пойига тўшалмасди пат гилам,
Замин асло кўрмасди муҳташам салтанатни.

Ҳа, тарих чархпалаги айланмоқда бемалол,
Асрларни дон каби янчар тегирмонтоши.
Сергак турмасанг аммо тоғлар ҳам топгай завол,
Илло, тегирмонга ҳам шартдир тегирмонбоши.

Юз қўшчига бир бошчи, дейилмиш ота мақол,
Қуёш каби мангудир, барҳаётдир ғазалдай.
Ҳар гузарга бир пешво, маҳаллага оқсоқол,
Ҳар туманга доруға лозим эрур азалдан.

Кун чиқиб, ботса ҳам ой, билмай ором, ҳаловат,
Элбошилар, элларга мулки чироқ бўлганлар.
Нуҳ тўфони сингари қутурганда қабоҳат,
Бири Рустами достон, бири Широқ бўлганлар.

Эслар бўлсак бийларнинг забаржад довларига,
Адолатли кўзгудир ўтмишнинг дафтарлари.
Хўш, сиз-чи, сиз тайёрми даврон синовларига,
Талотўп асримизнинг иззатли раҳбарлари?

Дейликки, кемангизни гирдоб тортди қаърига,
Карвонга қароқчидек ҳужум қилди қуюнлар;
Сиз дунёни қолдириб тақдир кажрафторига,
Аросат маҳдудида қилмайсизми ўйинлар?..

Ёхуд баҳри бақодек ол-ол чаманзорларга,
Самумдай кирса босиб чигирткалар, қарғалар;
Палахмон тоши бўлиб ғаламис, ғаддорларга,
Бўстонларни асрашга ярайсизми, дарғалар?..

Бугун битта пуфласанг хасдек ёнишга тайёр,
Бугун тандирдай чатнаб турибди кекса Очун.
Бугун билмоқ маҳолдир, ким биродар, ким ағёр,
Бугун билмоқ маҳолдир, ким қузғуну, ким лочин.

Шундай дамда бўронлар қутқу солиб мастона,
Қутурса, курашларга етадими кучингиз?
Ваҳоланки, улусга қўрғон бўлиб шоҳона,
Тоғдай мағрур турмоқлик сизнинг олий бурчингиз.

Ҳокимдирсиз, ё вазир – катта элда саркорсиз,
Елкангизда турибди катта элнинг юмуши.
Катта элнинг корига ҳар қадамда даркорсиз,
Енгил эмас, албатта, катта элнинг ташвиши.

Биламиз, сафингизда эранлар кўп, эрлар кўп,
Йўқса ар-ар чинордек қалқинмасдик фалакка.
Олдда биллониҳоя пасту баланд қирлар кўп,
Ўзбекюрт муҳтож бу кун шерпанжа – шербилакка.

Дунё – ари инидек беҳаловат, безовта,
Ер – мезон толасидек қалтирайди омонат;
Она Ватан мардларга интизор – илҳақ пайтда,
Сиз узанги талашиб қилмайсизми маломат?

Шукрким, булутларнинг дамларини қайириб,
Осмон ўпар чўққидек турибди Юртбошимиз.

Сиз ҳам оқу қорани бир-биридан айириб,
Қаватида турмоққа етгайми бардошингиз?..

Ҳадемай ифорларга тўлдиргай маъволарни,
Билга ҳоқон бободан мерос юртнинг боғлари.
Улуғбек юлдузлари порлатиб самоларни,
Қуёшдек ярқиратгай Эр Тўнга чироқлари.

Улуғ қўрғон пойига қўйилмоқда олтин ғишт
Ва Буюк Эврилишлар шонининг пойдевори.
Ичингизда Тўмарис, кучингизда Алпомиш,
Ёнингизда Бобуршоҳ алпларидек Алп борми?

Бу кунларга етгунча ёниб, ўчди қанча шам,
Тупроқ бўлди неча бор салтанатлар, султонлар.
Ботир эрлар туфайли она замин муҳташам,
Омон қолди Туркистон, омон қолди Туронлар.

Арқонлар боши узра саланглаб турганида,
Миллатим деб жон берган жадидларни кўрдингиз.
Бугун эса ўзбекнинг бекарон карвонида,
Битта жадид бўлмоққа етадими қурбингиз?

Афсуски...
Кимдир бесар.
Шайтон рақси қонида.
Пашшаю чумолилар бургут санар ўзини.
Бўри каби увлаган довуллар тўзонида,
Қодирмисиз оқлашга элнинг нону тузини?..

Ахир, эгарга минса, билмай босар-тусарни,
Мита каби ришвага қул бўлган каслар йўқми?
Гоҳ худою расулу, гоҳ нағмаи усулни,
Қиблаи паноҳ билган, нафси чоҳ дастлар йўқми?

Бу сўзлар дилингизга ботар балки, мисли ўқ,
Ахир, ҳақ сўз даҳшатдир ҳатто заҳри чаёндан.
Лекин, «янтоқнинг ёғи, катталарнинг соғи йўқ»,
Дейилмиш иддао ҳам тушмаган-да осмондан...

Раҳбар – миллат шарафи.
Раҳбар – миллат кўзгуси.
Оқил раҳбар, чин раҳбар, элнинг сарбадоридир.
Ношудлар бир кун сўзсиз сомон каби тўзғуси,
Ботир эрлар эл-юртнинг ифтихори – оридир.

Шул боис ҳам жам бўлинг, жам бўлсангиз юлдузлар,
Сомон йўли мисоли тўшалгай пойимизга.
Пуфак каби ёрилгай пасткашлару ҳиссизлар,
Ўзонлар ҳавас қилгай ўлан – хиргойимизга.

Жам бўлсангиз, жилғалар айлангай дарёларга,
Райҳону жамбилларга макон бўлгай қасримиз.
Нилуфар тонгларимиз чўмилгай зиёларга,
Баҳор тароватига кўмилгай тўрт фаслимиз.

Жам бўлсангиз, тўлгайдир мардона достонларга,
Янги Ўзбекистоннинг шоҳона дафтарлари.
Ўзбекнинг ҳар қадами айлангай бўстонларга,
Бургутларга айлангай ўзбекнинг каптарлари.

Жам бўлинг! Жам бўлсангиз, қорлар ёнгай ўт бўлиб,
Шамлар – шамсга айлангай ўтюраклар қўридан.
Ёмғир дув-дув тўкилгай омбор тўла қут бўлиб,
Рақиблар ҳам жой бергай минбарларнинг тўридан.

Бирлашсак – битта халқмиз.
Жам бўлсак – битта Ватан.
Ҳавас қилгай ўзбекка жаҳоннинг жавҳарлари...
Сиз ҳам Юртбошимиздек халқ билан бўлинг бир тан –
Янги Ўзбекистоннинг
бугунги раҳбарлари!

23.10.2024 йил

Мусобақа

ЗАВҚЛИ БАҲСЛАР

Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти бирлашган қўмитаси томонидан тизимда меҳнат қилаётган ходимлар ўртасида спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси, волейбол, баскетбол ва мини-футбол турлари бўйича «Спорт – саломатлик гарови» шиори остида мусобақанинг вилоят финал босқичи бўлиб ўтди.

Баҳслар қизғин ва курашларга бой бўлди. Ғолиблар Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти бирлашган қўмитасининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Манзурахон АКРАМОВА,
Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти бирлашган қўмитаси раиси

Мажлис



ЎЗБЕКИСТОН ТРАНСПОРТ, ЙЎЛ ВА КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ, ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ РАИСИ САЙЛАНДИ

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилояти кенгаши мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Баҳодир Султонов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаш раиси ўринбосари Камолжон Бекжонов, кенгаш раиси маслаҳатчиси Равшан Жабборов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Кун тартиби бўйича ташкилий масала кўриб чиқилди. Шу пайтга қадар Хоразм вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси давлат унитар корхонаси Лойиҳаларни бошқариш ва қуришни техник кузатиш бўлими 1-даражали мутахассиси лавозимида фаолият кўрсатиб келган Яқуббой Эгамов Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилояти кенгаши раиси қилиб сайланди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА
«ISHONCH»

Статистика

БМТ: 735 000 000

киши очликдан азият чекмоқда

БМТ Инсон ҳуқуқи бўйича Олий комиссари Фолькер Тюрк ижтимоий тармоқда ёзишича, Ер юзида жами 735 миллион киши тўйиб овқатланмасликдан қийналяпти, миллионлаб инсонлар очарчилик ёқасида турибди.

– Озиқ-овқат етарли, лекин кўп исроф бўляпти, – дея таъкидлаган у. – Таъминотга эришиш учун озиқ-овқатнинг етарли миқдори, арзонлиги ва барқарорлиги биринчи ўринга қўйиладиган тизимга ўтиш зарур.



Жараён

ХОДИМЛАР МАНФААТЛАРИ ХИЗМАТИДА

Ходимлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларнинг самарали ишлаши ва ўқиши, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, ташаббускор ва изланувчан ишчи-хизматчиларни рағбатлантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини моддий қўллаб-қувватлаш фаолиятимизнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади. Шу билан бирга, турли маданий-маърифий тадбирлар, кўрик-танловлар уюштириш, байрам ва улуғ саналарни кенг нишонлашда фаол қатнашишга ҳам эътибор қаратамиз. Зеро, Бош Қомусимизнинг 73-моддасида «Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар» дейилгани бизга куч-қувват бағишлайди.

Жиззах давлат педагогика университети касаба уюшма қўмитаси муассаса раҳбарияти билан ижтимоий шериклик асосида ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш, ходимлар учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш, меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигини янада ошириш ҳамда жамоа-шартномавий муносабатлар орқали ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ишларини изчил олиб бормоқда.

Албатта, корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири иш берувчи билан ходимлар ўртасида тузилган жамоа шартномалари ҳисобланади.

Университет раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида 2023-2025 йиллар учун тузилган жамоа шартномаси иш берувчи ва университетнинг барча профессор-ўқитувчилари, ходимлари, ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга ва талабаларга татбиқ этилган.

Университет маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида мутахассислар иштирокида меҳнат муҳофазаси ва меҳнат қонунчилиги бўйича ўқув-семинарлар ташкил этилиб, уларда раҳбар ходимлар, касаба уюшмаси фаоллари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллардан иборат ходимлар фаолият кўрсатмоқда. Профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабалар ўртасида мажбурий меҳнатнинг олдини олиш юзасидан бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгашининг масъул ходимлари, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари Республика кенгашининг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилотчиси ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари иштирокида мажбурий меҳнатнинг олдини олишга доир давра суҳбатлари, семинарлар ташкил қилинмоқда.

Университетда таҳсил олаётган эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли ва билимга интилувчан фарзандларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларни жисмонан соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, касаба уюшмалари фаолиятига кенгроқ жалб этиш мақсадида ўнлаб талабаларга иш берувчи томонидан моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Шунингдек, турли даражадаги танловларда фахрли ўринларни эгаллаган талабалар ва уларнинг мураббийлари ҳам тегишли тартибда рағбатлантирилмоқда.

Талабаларнинг турар-жойи тўлиқ қайта реконструкция қилинган бўлиб, бугунги кунда замонавий ҳолда талабалар ихтиёрига топширилган. Ходимлар соғлиғини мустаҳкамлаш, уларни спорт-соғломлаштириш тадбирларига кенг жалб этиш мақсадида ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида турли спорт мусобақалари, ҳаваскор велоспортчилар ўртасида веломарафон мусобақалари ўтказилиб келинмоқда.

Жамоамиздаги нафақа ёшидаги ходимларимизни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг юбилей саналарини нишонлаш университет маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси диққат марказида бўлиб келмоқда. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, бетоблиги сабабли шифохоналарда даволанаётган ходимларга моддий ёрдам кўрсатяпмиз. Профессор-ўқитувчилар, ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари соғлиғини мустаҳкамлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Касаба уюшма қўмитасига санаторий йўлланмаси билан мурожаат қилган барча профессор-ўқитувчилар ва ходимларга йўлланмалар ажратилиб уларга ижтимоий суғурта ва касаба уюшма бадали маблағи ҳисобидан йўлланма нархининг 55 фоизи миқдорида тўлов амалга оширилмоқда.

Кўп йиллардан буён самарали ишлаб келаётган нафақа ёшидаги профессор-ўқитувчилар ва ходимлар, шунингдек, таълим-тарбия жараёнида фидокорона меҳнат қилаётган, илмий-педагогик ютуқларга эришаётган илғор ўқитувчи-ходимлар ҳамда иқтидорли талаба-ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида юртимизнинг диққатга сазовор масканларига саёҳатлар уюштирилмоқда. Ички туризмни ривожлантиришга ҳисса қўшиш ниятида вилоятимиз бўйича ҳам шундай саёҳатлар амалга оширилмоқда.

Бу йил университетимиз ташкил этилганининг ярим асрлик юбилейи кенг нишонланди. Қутлуғ сана муносабати билан халқаро илмий-амалий конференция, маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Жамоамиз талабаларга сифатли таълим бериш, халқ хўжалигига турли соҳалар бўйича малакали кадрлар тайёрлаш борасида мавжуд куч ва имкониятлардан янада самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

Жаҳонгир МАЖИДОВ,
Жиззах давлат педагогика университети касаба уюшма қўмитаси раиси

Тадбир



«Uzbekistan Airports» акциядорлик жамиятида иш берувчи ва касаба уюшмаси ҳамкорлигида хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бир қаторда, уларнинг жамиятдаги фаоллигини оширишга қаратилган тадбирлар ташкил этилмоқда.

Хотин-қизлар фаоллиги оширилди

Хусусан, куни кеча Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги «Orient Village» дам олиш масканида «Тимбилдинг» тадбири ўтказилди. Унда «Uzbekistan Airports» АЖ ва унинг тизимидаги корхоналар, шунингдек, вилоятларда жойлашган халқаро аэропортларда фаолият юритиб келаётган хотин-қизлардан иборат жамоалар иштирок этишди.

Хотин-қизлар етакчилигини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, компания ходимлари ўртасида жамоавий муҳитни мустаҳкамлашни мақсад қилган тадбир доирасида аёлларнинг жамиятдаги ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш, гендер тенглиги кафолатларини таъминлаш мавзуларини ўз ичига олган давра суҳбатлари, спорт ва интеллектуал мусобақалар бўлиб ўтди. Уларда мутахассислар томонидан иштирокчиларга мавзуга оид маълумотлар берилиб, билим ва кўникмалари бойитилди.

Компанияда бу каби тадбирлар мунтазам ўтказиб келинаётгани жамоадаги хотин-қизларнинг ўзаро дўстона муносабатларини мустаҳкамлашга, уларнинг раҳбарлик қобилиятини кучайтиришга хизмат қилади. Шунингдек, жамоавий бирдамлик ва профессионал кўникмаларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Анжуманда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Озода Парпибоева қатнашиб, мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати

«Ишонч»да чоп этилгач...

КЎЧАЛАР АСФАЛЬТ БЎЛДИ

«Ishonch» газетасининг 2024 йил 15 октябрь сонида «Ташаббусли бюджет» машмашаси: лойиҳада бор, амалда йўқ асфальт» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда Тошкент вилоятининг Паркент тумани, Чанги қишлоғи, Кунгай маҳалласи аҳолисининг «Ташаббусли бюджет» доирасида дуч келган муаммоси ҳақида сўз юритилганди.



Куни кеча кунгайликлар номидан бир отахон қўнғироқ қилди. Айтишича, масала газета саҳифаларида ёритилгач, ижобий ҳал этилибди, яъни уларнинг кўчаси асфальтланибди.

– Жорий йилнинг февраль ойида «Ташаббусли бюджет»да маҳалламиздаги 3 минг метр йўлни асфальт қилиш учун маблағ ютиб олгандик, – дейди кайфияти чоғ Абдурашид ота Абдужалилов. – Фурсати келиб, ишлар жадал бошланди, аммо Навданак кўчасининг 110 метрлик қисмига келганда бирдан тўхтаб қолди. Масъуллардан сабабини сўрасак, бири тез кунда кўчамиз асфальтланишини айтса, бошқаси лойиҳа бўйича кўрсатилган ишлар тўлиқ бажарилганини иддао қилди. Хуллас, у ёққа югурдик – бўлмади, бу ёққа югурдик – натижа чиқмади. Бир ойдан ошиқ вақт ўтди. Ҳафсаламиз пир бўлган бўлса-да, умид билан «Ishonch» газетаси таҳририятига мурожаат йўлладик. Буни қарангки, шикоятимиз асосида эълон қилинган мақоладан сўнг мутасаддилар маҳалламизни асфальт қилишни бошлаб юборишди. Очиғи, бу хайрли иш бутун маҳалламиз учун катта байрам бўлди. Айниқса, болаларнинг хурсандлигини айтмайсизми. Маза қилиб, велосипед, самокат учишмоқда. Бунинг учун таҳририят жамоасига миннатдорлик билдирамиз. Газетанинг нуфузи бундан-да баланд, халқнинг мушкулини осон қилиб юришдек савобли ишлари бардавом бўлсин.

СЎРАНГ, жавоб берамиз

ТАЪТИЛ ПУЛИ ОЛТИ КУНЛИК ИШ ҲАФТАСИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ ҲИСОБЛАНАДИ

САВОЛ: Амалдаги Меҳнат кодексига мувофиқ, таътилнинг давомийлиги календарь кунлари асосида ҳисобланади. Масалан, ҳафтада беш кун ишлайдиган ходим 25 календарь кундан иборат таътил олди. Ушбу вазиятда таътил пули қандай ҳисобланади, яъни таътил иш кунлари бўйича ҳисобланадими ёки 25 календарь куни бўйичами?

Мамлакат ҲАМРОЕВА
Янгийўл тумани

ЖАВОБ: Таътил пули олти кунлик иш ҳафтасидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Ходимларнинг ҳар йилги асосий ва қўшимча меҳнат таътилларининг давомийлиги календарь кунлари бўйича ҳисоблаб чиқилади. Бунда ишланмайдиган байрам кунлари меҳнат таътилларининг давомийлигини белгилашда ҳисобга олинмайди (МК 221-м.).

Ходим меҳнат таътилида бўлган вақтида, МКнинг 257-моддасига мувофиқ, ўртача иш ҳақи сақланиши кафолатланади (МК 233-м.).

Ўртача кунлик иш ҳақини аниқлаш учун 25,3 коэффициенти қўлланилади. Бу ўртача иш ҳақи 6 кунлик иш ҳафтасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилишини кўрсатади. Шу боис таътил календарь кунларда берилишига қарамай, таътил пули 6 кунлик иш ҳафтаси бўйича ҳисобланади.

Наргиза АСАДОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг меҳнат ҳуқуқ инспектори

АДОЛАТЛИ ВА КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясига фуқаролик жамияти институтларига бағишланган алоҳида боб ажратилган бўлиб, улар конституциявий институт сифатида эътироф этилган. Бундан ташқари, 60 дан ошиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалга киритилдики, барчасида фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашни янада ривожлантириш назарда тутилган.

Давлатимиз раҳбарининг «Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони эса соҳада ҳали ҳам учраб турган қатор муаммо ва камчиликларга ечим бўлди.

Фармон билан Янги Ўзбекистон тараққиётининг бугунги босқичида фуқаролик жамияти институтларининг ўрнини оширишга хизмат қиладиган соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг энг муҳим йўналишлари белгиланди. Хусусан, давлат ва жамият ҳаётида фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини янада ошириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий-маънавий ва гуманитар соҳаларни ривожлантиришда уларнинг салоҳиятидан тўлақонли фойдаланиш айтиб ўтилди.

Ибн Сино жамоат фонди ҳам давлатимиз томонидан яратиб берилаётган шарт-шароитлардан тўла фойдаланган ҳолда ўз фаолиятини давом эттириб келмоқда. Фармонда белгиланган йўналишлардан бири бўлган давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ўзаро манфаатли ижтимоий шерикликни янада ривожлантириш фондимиз фаолиятида катта ўзгаришларга замин бўлиши, шубҳасиз.

Нодавлат нотижорат ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш божлари ўртача икки баробар пасайтирилгани, ногиронлиги бўлган шахслар, фахрийлар, нуронийлар, хотин-қизлар, болалар жамоат бирлашмалари рамзларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш эса бождан тўлиқ озод этилгани, қайта рўйхатдан ўтиш муддати бир ойдан 15 кунга қисқартирилгани ННТлар сонининг ортиши, давлат ва халқ ўртасидаги кўприкнинг мустаҳкамланиши асосидир.

Айниқса, нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан ўз тадбирларини ўтказишда адлия органининг рухсатини олиш талаби бекор қилиниб, уларнинг фаолияти эркинлиги янада мустаҳкамланаётгани биз каби фондлар учун янада қулайлик яратади. Чунки халқаро тадбирларимиз кўп бўлгани учун айни масалада қийинчиликларга дуч келаётган эдик. Буларнинг мантиқий давоми сифатида ташқи манбалардан маблағ олиш жараёни осонлаштирилди. Махсус ҳисобрақам очиш талаби бекор қилинди.

Маблағ олиш бўйича мурожаатларни кўриб чиқиш муддати 40 кун бўлиб, бу ҳам фаолиятда ишларнинг ортга сурилишига сабаб бўлаётган эди. Эндиликда мазкур вақт 15 кунга қисқартирилди. Бундан ташқари, адлия органи билан келишмасдан олинадиган маблағ миқдори беш бараварга оширилди.

Эътиборлиси, бугун фуқаролик жамияти институтлари ислоҳотларнинг энг яқин ҳамкорига айланди. Ҳар йили қабул қилинадиган Давлат дастурларининг 350 та банди ижросида айнан нодавлат нотижорат ташкилотлар бевосита иштирок этди.

Маълумотларга қараганда, айни пайтда фуқаролар ҳуқуқи, демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, таълим, тиббиёт, маданият ва бошқа соҳаларда қарийб 10 мингта нодавлат нотижорат ташкилотлар эркин фаолият юритмоқда, уларда 70 минг нафарга яқин киши меҳнат қилмоқда. Яратилаётган қулайликлар натижасида бу кўрсаткичларнинг барчаси кескин ўсишига ишончимиз комил.

Умуман, давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган мазкур фармон ислоҳотларнинг давоми бўлиб, фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг шаффоф ва соғлом рақобат тамойилига асосланган тизимини яратади. Шу билан бирга, у ижтимоий фойдали дастурлар самарадорлигини ошириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Ижтимоий аҳамиятга молик фаолиятни оммалаштириш мақсадида фуқаролик жамияти инсти-

Маданий мерос агентлигига

ИМТИЁЗ ИЖРОСИ НЕГА АМАЛДА ЭМАС?

18 ёшгача бўлган фуқароларнинг маданий мерос объектларига бепул кириши белгиланган. Аммо...

Аксарият ҳолларда тарихий обида, музей ва ёдгорликларга кириш учун берилган имтиёз ҳамда қабул қилинган янги қонун ва фармонларни билмаслик натижасида фуқароларнинг маданий мерос обидаларига пул тўлаб кираётганлиги ёки тарихий объектларга киришнинг пулли эканига эътироз бўлган ҳолатларни учратамиз.

Мамлакатимизда қабул қилинган тегишли қарор ва қонунларга кўра, маҳаллий фуқаролар учун ёш тоифасида маданий мерос иншоотларига тўлов орқали кириш ва айрим сана ҳамда дастурлар доирасида имтиёз билан бепул кириш белгиланган.

Президентимизнинг 2023 йил 8 майдаги «Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони билан ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқликни, халқнинг бой маданий меросидан фахрланиш, ватанпарварлик туйғуларни шакллантириш мақсадида 2023 йил 1 сентябрдан 18 ёшгача бўлган болаларнинг маданий мерос объектларига тўловсиз киритилиши жорий этилди. Ушбу тартиб амалдаги Конституциямизнинг 78-моддасида ҳам акс этган.

Аммо 18 ёшгача бўлган фуқаролар ҳозир ҳам тарихий объектларга кириш учун пул тўламоқда. Хўш, маданий мерос объектлари масъуллари нега Президент фармонига амал қилмаяпти ёки тизим ҳалигача эски қарор ва қонунлар асосида ишлаяптими? Бунга аниқлик киритиш мақсадида Самарқанд вилоятидаги маданий мерос объектлари масъулларига мурожаат қилдик.

Таъкидланишича, тарихий обидаларга кириш учун бериладиган электрон билетлар нархлари 2023 йилда Маданий мерос агентлиги томонидан тасдиқланган бўлиб, ёш болалар учун 5 минг сўм, катталар учун 10 минг сўм этиб белгиланган. Жорий йилнинг 30 август куни Маданий мерос агентлиги масъули иштирокида ўтказилган брифингда юқоридаги фармонга асосан, объектларга бепул кириш белгиланган:

«Республика фуқароси ҳисобланган ва 18 ёшгача бўлган болалар ҳар йилнинг 2-8 сентябрь кунлари ўтказиладиган «Музейлар ҳафталиги», ҳар ойнинг биринчи якшанбасида уюштириладиган «Очиқ эшиклар куни» доирасида ҳамда ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари маданият муассасаларига бепул киритиладилар. Бунда ташриф буюрувчи 18 ёшгача бўлган болалар тегишли объектлар кассасига шахсини тасдиқловчи паспорт ёки ID-карталарини тақдим этишлари талаб этилади. 18 ёшгача бўлган ёш санъат ихлосмандлари маданият ўчоқларига гуруҳ бўлиб ёки якка тартибда ташриф буюришлари мумкин.

Шунингдек, ташриф буюрувчилар гуруҳининг объектларга бепул киритилишини тегишли таълим ва тарбия муассасаси ёки уларга гуруҳларга жамланган ташкилот раҳбарияти ҳамда объектлар ҳамкорлигида ишлаб чиқилган режа-жадвал асосида ҳам амалга оширишлари мумкин бўлади. Бунда таълим ёки тарбия муассасаси ёки уларнинг гуруҳга тўпланган раҳбарияти олдиндан объектларга ташриф буюрувчиларнинг таркиби, болалар гуруҳларига ҳамроҳлик қилувчи масъул шахслар тўғрисидаги маълумотларни объектлар маъмуриятига камида уч кун олдин ёзма равишда тақдим этишлари талаб этилади. Ёш саёҳатчилар гуруҳига ҳамроҳлик қилувчи икки нафаргача масъул шахсга объектларга бепул кириш рухсат берилади. Объектларга бепул киритилган ташрифчиларга хизмат кўрсатиш, жумладан, экскурсия хизмати, ташриф буюрувчилар учун белгиланган умумий тартибда амалга оширилади.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг музейлар тўғрисидаги қонунини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига асосан, Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини кириб кўриш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомнинг тегишли бандига мувофиқ, ҳар йилнинг 2-8 сентябрь кунлари давлат музейларида «Музейлар ҳафталиги» ўтказиб келинади. Мазкур ҳафталик доирасида барча аҳоли давлат музейларига бепул киритилади» дейилади агентлик маълумотида.

Бироқ, юқорида айтганимиздек, тегишли меъёрий ҳужжатлар билан республика фуқароси ҳисобланган 18 ёшгача бўлган болаларнинг маданий мерос иншоотларига, жумладан, кўргазмалар, тарихий обидалар ва зиёратгоҳлар, шунингдек, давлат музейларига тўловсиз кириши кўзда тутилган. Маданий мерос агентлиги масъули берган маълумотда эса 18 ёшгача бўлган болалар ҳафтанинг айрим кунларида, сана ва байрамлар муносабати билан ҳамда турли дастурлар доирасида маълум бир кунларда ушбу объектларга бепул кириши айтилмоқда. Бизнингча, бу Президент фармонида белгиланган вазифаларнинг бир қисми, холос. Чунки бунда 18 ёшгача бўлган республика фуқароларининг маданий мерос иншоотларига исталган вақтда, тўлиқ бепул кириши таъминланмаяпти.

Бу масалани кўтаришимизнинг сабаби бор. Гап шундаки, бугунги кунда ёшлар ўртасида тарихий қадамжолар, хусусан, музейларга бориш истаги қувонарли даражада эмас. Ҳолбуки, миллий қадриятларга содиқлик, халқимизнинг бой миллий-маданий бойликларидан бохабар бўлиш ва фахрланиш ҳисси айнан шу жойларда кўпроқ шаклланади. Айнан шунинг учун ҳам давлат даражасида бу масала кўтарилиб, тегишли ҳужжатлар қабул қилинган.

Бу ҳақда Маданий мерос агентлиги масъуллари яна бир ўйлаб кўришса ёхуд бизнинг назаримиздан четда қолган жиҳатларга батафсил изоҳ беришса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Фазлиддин РЎЗИБОЕВ,
журналист

Бугуннинг гапи



«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «боқиманда» ва «боқимандалик» сўзлари бошқалар ҳисобига яшайдиган, текинтомоқ, «залолат сўзи йўлдан адашиш, хато, ёлғон, «иллат» эса касаллик, дард, нуқсон деган маъноларни билдириши таъкидланган.

Дарвоқе, соғлом бўла туриб меҳнатдан қочиш, ўзгалар қўлига қараб ва «Берсанг ейман, бермасанг ўламан қабилида иш тутиб кун кечириш одамни йўлдан оздиради. Танбаллик ва дангасалик орқали яшашга ўрганиб қолиш охир-оқибат одамни залолатга етаклайди. У ушбу хатоларини англаб етганида эса кеч бўлган бўлади.

Яқинда фуқаролар мурожаатлари билан ишловчи дўстим билан гурунглашиб қолдим. Суҳбатимиз мавзуси боқимандаликка бориб тақалганда у баъзи кишилар ўзидан «ўлармон» ясаб олаётгани яхшилик билан тугамаслигини уқтиришга уринди. Мен эса, «Иш ўринлари кам бўлса, турли сабаблар ва етишмовчиликлар туфайли вақтида олий маълумот ололмаган бўлса, шўрликлар нима қилсин?» дея дўстимнинг фикрига қарши чиқдим.

– Унда эшит, – деди у босиқлик билан. – «Янгибоғ» маҳалласида Самад исмли одам бор. Бир қўли салгина қийшиқ. Ўзи бақувват, кетмон урса, ер титрайди. Лекин 24 сотихлик томорқаси бўм-бўш ётибди.

– Сув йўқдир-да, – дея гапини бўлдим.

– Бултур ҳовлисига артезиан қудуқ қазиб бердик, барибир, экин экмади, – дўстим афсус ила шундай деб, бир зум тин олгач, сўзида давом этди. – Аслида у жудаям бечораҳол эмас. Ҳар қалай, тўрт хонали «подвал»ли уйи бор. Ҳадеб турли ташкилотларга ёзавергач, яна икки хонали янги уй қуриб бердик. Энди ўша уйнинг поли ва шифтини ҳам қилиб беришимиз керак эмиш. Ҳолбуки, шусиз ҳам унга кўрсатмаган ёрдамимиз қолмади. Эҳ-ҳе, неча бор моддий ёрдам ажратдик. Қўй ва мол ҳам олиб бердик. Бироқ иккисини ҳам боқиш ўрнига сотиб юборди. Қисқаси, уни «одам» қилиб бўлмайди.

– Бола-чақалари-чи, улар ҳам шундай яшашга ўрганиб қолишганми?

– Икки марта уйланган, бироқ хотинлари ташлаб кетган. Фарзандлари йўқ, анчадан буён бир ўзи яшайди...

Мен дўстимнинг гапларидан кейин баъзи кишилар нега бундай ҳолга тушиб қолишаётгани, нима учун ўз тирикчилигини ўтказиш учун меҳнат қилишдан бош тортишаётгани сабабларига қизиқдим. Пировардида муайян хулосага келдим. Аввало, шуни эслатиш жоизки, Президентимиз томонидан олиб борилаётган ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ ислоҳотлар айрим ҳудудларда кўнгилдагидек амалга оширилмаётир ҳамда берилаётган моддий ва маънавий ёрдамлар натижалари таҳлил қилинмаётир. Иккинчидан, айрим кишилар аризабозлигу шантажларни авжига чиқаргани, «Бер!» деявериб безор қилгани боис уларга кўмаклашиш оқибатида Самадга ўхшаган кимсалар кўпайиб бораётир.

Шу ўринда бир тадбиркорнинг гаплари ёдимга тушди. Унинг айтишича, тўқимачилик корхонасида доимий равишда ишчиларга эҳтиёж бор. Ҳокимлик ва бошқа ваколатли органлар «қийналиб» қолган хотин-қизларни бу ерга ишлаш учун йўллайди. Бироқ улар икки-уч ой ўтар-ўтмас, ишга чиқмай қўйишади.

– Кейин билсак, улар ишли бўлса, давлатдан бола нафақаси олишлари осонлашаркан, – дейди тадбиркор. – Табиийки, ходимлар қўнимсизлиги корхона ривожига қайсидир даражада тўсиқ бўлади. Шу боис ўша аёлларнинг уйига бориб, кўпчилиги билан гаплашишга ва ишга қайтаришга уриндик. Эвазига 2-3 миллион сўмлик маош олган аёллардан «Энди ишламайман, менга болалар нафақаси етади», деган жавобларни ҳам эшитдик. Ҳолбуки, улар икки нафар боласи учун олаётган нафақа бир миллион сўм ҳам эмас. «Майли, нафақани ҳам олаверинг. Лекин ишласангсиз, қўшимча даромад ортирасиз, рўзғорингизга барака киради. Бунинг нимаси ёмон?» десак ҳам кўнишмади. Чунки аксарияти ишламасдан тишлашга одатланиб қолган.

«Меҳнат – меҳнатнинг таги роҳат», «Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик» деган нақллар халқимизни минг йиллардан буён ишчанликка ундаб келган. Ота-боболаримизнинг меҳнати, илм-закоси сабаб рўзғорлар бут, турмуш обод, юрт фаровон бўлган. Бироқ, минг афсуски, кейинги пайтларда соқолига устара урмай, чопонига ўранганча «қарта» ўйнаб вақтини зое ўтказаётган эркаклар кўпайиб боряпти. Энг ачинарлиси, баъзи хотин-қизлар далада оғир қишлоқ хўжалиги ишларини бажариш эвазига ҳар куни 80-100 минг сўм пул топиб келиб, эр «шўрлик»ларни боқишяпти.

– Ўта меҳнаткаш бир янга бор, – дейди фермер Юсуф ака. – У ўзи билан 60-70 нафар аёлни ишга олиб чиқади. Ҳамқишлоғим бўлгани учун оилавий аҳволи оғирлигидан хабардорман. Шунинг учун икки қизчасига мактаб формаси совға қилдим. Сути рўзғорига ора кирар деб, она-бола сигир бердим. Емиш қидириб қийналмаслиги учун беда-сомонигача таъминладим. Янга бирам хурсанд бўлдики, бу менинг руҳимга хотиржамлик бағишлади. Бироқ бир куни у йиғлаб телефон қилди. Нима эмиш, эри молни сотгани бозорга олиб кетибди. Тезда бозорга бордим. Топиб, соттирмай қайтариб олиб келдим. Ўшанда айтган гапларимга мол одам бўлса, ўзини осиб қўярди. У эса миқ этмади, юз ифодаси ҳам ўзгармади. Ота-онаси ғурури бор, яхши одамлар эди. Бу йигит нимага бунақа қилиқ чиқарди, ҳайронман...

Бир маҳаллий амалдорнинг гапига қараганда, туркиялик инвесторлар у раҳбарлик қилаётган туманга кунгабоқар эккани келишибди. Шунда улардан «Биз қардош халқлармиз. Аммо, тан олиш керак, сизлар иқтисодий жиҳатдан биздан анча илгарилаб кетгансизлар. Халқларимиз ўртасида қандай боғлиқлик ва фарқлар бор?» деб сўрабди. Туркиялик тадбиркор шундай жавоб берибди: «Бизда рўзғор ташвишларини эркаклар ўз зиммасига олишади. Сизларда эса оғир ишларни асосан аёллар бажарар экан. Мен келганимдан бери улар билан бирга ишлаяпман. Бири кетмон чопяпти, бири ер ағдаряпти. Бу биз учун жуда эриш туюладиган ҳолат».

Илмсизлик, ўзибўларчилик, бир болага етти маҳалла ота-она бўлмай қўйгани, давлатдан тиланишга ўрганиб қолиш каби салбий оқибатларнинг авж олиши бугунги боқимандаликнинг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. Ғурурсизлик ва ор тушунчалари йўқолиб бораётгани, эркаклик шаъни, аёллик нафосати қадрсизланаётгани ҳам, эҳтимол, орамизда боқимандалар кўпайишига олиб келаётгандир?

Хўш, бу ҳақда сиз нима дейсиз, ҳурматли газетхон?

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

Яхшилар ёди

Бу ёруғ оламда ҳаммадан озми-кўпми из қолади. Бу из одам насли қандай яшагани, умрини нимага сарфлагани, имон-эътиқоди, савобли амаллари, феъл-атвори, одоб-ахлоқи, қисқаси, охират сафарини унутмагани ёки унинг акси билан боғлиқ. Ўтганларни ёдга олар эканмиз, ҳеч қачон ўзгармайдиган бу боғлиқлик кўз ўнгимиздан ўтади, ўзимиз учун муҳим хулосалар чиқарамиз, фарзандларимизга шу руҳда тарбия берамиз. Чин инсон, истеъдодли ижодкор Эркин Самандар ҳам айни шу хулоса билан умр ўтказди.

УЧИНЧИ УЧРАШУВ



У оддий турмуш тарзини танлади, умрининг бирор кунини беҳуда ўтказмади, ортиқча ҳавасга берилмади, ҳеч кимни ранжитмади. Ҳатто амалда ўтирган вақтида ҳам кибрга берилмади, бировга овозини баландлатмади.

Эркин ака билан истиқлолга эришган йилимиз ноқулай бир ҳолатда яқиндан танишган эдик. Ўша пайтда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг Бош муҳаррири эдим. Нашрнинг Асқад Мухтор, Одил Ёқубов каби устозлар бошлаб берган журъатли йўлини давом эттириб, ҳар бир сонда фавқулодда муҳим – «бомба» мақолалар эълон қилаётган пайтларимиз эди.

Газетамизнинг навбатдаги сони чиққан жума кунларидан бирида мени ҳозир Вазирлар Маҳкамаси, у пайтда Кабмин дейиладиган номдор идорага чақириб қолишди. Зудлик билан боришим кераклигини айтишди.

Ҳафталикда эълон қилинаётган мақолалар учун катта идорага тез-тез бориб, тушунтириш хатлари ёзиб турардим, шу боис «Министрлар совети раисининг ўринбосарига кирасиз», дейишганида бироз ҳаяжонландим. Бориб, қабулхона мудиридан «Нима масала?» деб сўрагандим, у истеҳзоли илжайиб:

– Ичкарига кирганингизда биласиз, ўртоқ редактор, – деди.

Очиғи, бу гап менга ёмон таъсир қилди. Танамни титроқ босди. Нима бўлди экан? Бирорта мақоламизда жиддий хато ўтдимикан ёки бошқа бир муаммо бўлдимикан?

Кайфиятим бузилган ҳолатда ичкарига кирдим. Катта идорада ишлаган кезларим бу хонада кўп бўлганман, муҳим йиғилишларда қатнашганман, сўз айтганман. Ўша хона. Жиҳозлар ўзгармаган, қўш-қўш телефонлар жойида турибди. Бири қўйиб, бири жиринглайди.

Кутилмаган ҳолат: ўринбосар ўриндиқдан туриб, мени худди эски қадрдонлардай кутиб олди. Эркин акани дарров танидим, кўп тадбирларда кўрганман, маърузаларини эшитганман, аммо шу вақтгача юзма-юз учрашиб, гаплашмаганмиз. Ўтирдик. Стол устида газетамизнинг бир нечта сонлари. Демак, жиддий «разборка» бўлади. Балким, бу ерда ҳам «Тушунтириш хати» ёзарман? Хаёлан бу ёқимсиз «маросим»га тайёргарлик кўра бошладим. Аммо...

Жиддий ҳеч нарса бўлмади. Анча вақт, балки қабулхонада кимларнидир узоқ куттириб, мамлакатда юз бераётган жараёнлар, юзага келаётган мураккаб вазият, халқнинг кайфияти, баъзи тақчилликлар, кўча митинглари, шоир-ёзувчиларнинг куюнчаклиги ҳақида сўзлашдик. Ниҳоят, у киши асосий мавзуга ўтди: «Аҳмаджон, сизга бир нимани ўргатмоқчи эмасман, ҳаммасини ўзингиз биласиз, катта идорани кўргансиз. Вазият қалтис, бундай пайтда матбуотдаги битта ноўрин сўздан олов чиқиб кетиши мумкин. Газетанинг йўли тўғри, жиддий муаммоларни кўтараяпсизлар. Оролнинг тақдири, тилимизнинг аянчли аҳволи, табиатни асраш ҳақида ёзяпсизлар. Ҳаммаси тўғри, ёзиш керак, жамоатчилик фикрини шакллантириш зарур. Бу муаммоларни зиёлилардан бошқа ҳеч ким кўтариб чиқмайди. Журъатингизни ҳурмат қиламан, яхши муҳаррир бўлдингиз, ҳамма мақолаларингизни ўқийман, аммо ортиқча эҳтиросга берилмаслик жоиз. Ҳар қандай гапни босиқлик билан айтса бўлади. Мана, масалан...».

Эркин ака газетамизнинг айрим мақолаларида ўта шовқинли, халқимизга хос бағрикенгликка, тинчлик-тотувликка тўғри келмайдиган даъватлар борлигини айтиб, мени дўстона огоҳликка чақирди.

Ўшанда мен Министрлар совети раисининг ўринбосари ҳузурига «разборка»дан ўтиш учун боргандим. У ерда мени ўринбосар эмас, истеъдодли ёзувчи, дилкаш инсон, самимий суҳбатдош Эркин Самандаров кутиб олди ва биз бир соатча диллашиб ўтирдик. Хижил кўнглим ёришиб, муҳаррирлик журъатим янада салмоқ олди. Бундай хоналарда шу каби суҳбатлар камдан-кам бўлади.

Хуллас, ўринбосар қабулидан бўйим бир қарич ўсиб чиқдим. Мудир аввалгидек тиржайиб, «Ҳа, ўртоқ редактор, аҳволингиз яхшими?» деди яна устимдан кулгандек бўлиб. Мен эса унга ғолиблардек жавоб қилдим:

– Газета обунаси билан жиддий шуғулланишга келишиб олдик. Сиз ҳам ҳаракат қилинг. Газетамиз ичкарига вақтида кириб турсин. Қўнғироқ қилиб тураман...

Бу жавоб мудирга қандай таъсир қилганининг ўзи бир ҳажвия.

Эркин ака 60 ёшга тўлганида Ўзбекистон халқ ёзувчилари Ҳамид Ғулом, Иброҳим Раҳим билан бирга Хоразмга бордик. Эркин ака бизни Огаҳий бобо ўз қўли билан эккан табаррук тут ёнига олиб борди. Олимлар, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ўтказдик. Эркин ака ҳамма жойда: «Илтимос, мени мақтаманглар, улуғ аллома-лар меросидан, адабиётимизнинг бугунги вазифаларидан гапиринглар», дер эди.

Сафаримиз уч кун давом этди. Ҳамма жойда фақат адабиётни, шеъриятни тушунганлар эмас, оддий, қўли қадоқ одамлар, отахону, онахонлар, ёшларнинг Эркин акага кўрсатган эҳтиромига оқсоқол адибларимизнинг ҳаваси келди. Мен эса қутлуғ ёшида ҳам тинимсиз ижод қилаётган, асарлари катта эшиқини ўзидек нозик қалби, руҳий-маънавий олами, инсоний фазилатларини янада тиниқ ва аниқ тасаввур қилдим. У кишидан қолган ёруғ изларга ҳавасим келди.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Шарҳ

ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШДА МУҲИМ ИМКОНИЯТ

тутларига қатор имтиёзлар бериладиган бўлди. Бизни қувонтирадигани, давлат грантлари ва ижтимоий буюртма лойиҳалари доирасида даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ставкалари 3 йил муддатга 50 фоизга камайтириладиган, бундан тежалган маблағлар эса лойиҳалар мақсадларига йўналтириладиган бўлди.

Биргина мисол, фармон асосида Президент томонидан давлат грантлари ва ижтимоий буюртмалари учун муносиб лойиҳаларни танлаб олиш сифати ва шаффофлигини ошириш мақсадида соҳадаги институционал ўзгаришлар қўллаб-қувватланди. Шунингдек, Парламент ҳузурида Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилиб, ижтимоий лойиҳаларнинг манзиллилиги таъминланади, бюрократияга чек қўйилади. Бундан ташқари, фондни бошқариш бўйича Парламент комиссиясига навбатма-навбат Сенат ва Қонунчилик палатаси вакиллари раислик қилиб боради. Бу эса фондни бошқариш самарадорлигини оширади.

Фармон асосида фуқаролик жамияти институтларига давлат субсидиялари, грантлари ва ижтимоий буюртмаларини ажратиш билан боғлиқ барча жараёнларнинг шаффофлигини таъминлашга қаратилган ягона электрон платформа ишга туширилиши фаолият самарадорлигини нечоғлик оширишини бир кўз олдингизга келтиринг-а! Ушбу платформада фуқаролик жамияти институтлари ва кенг жамоатчилик томонидан танловлар йўналишларини шакллантириш, уларнинг муҳокамасида бевосита иштирок этиш мумкин.

Шунингдек, танловларга лойиҳаларни топшириш ва давлат субсидиясини олиш учун буюртмаларни юбориш имконияти яратилмоқда. Уларни кўриб чиқиш ва баҳолаш жараёнларини кузатиб бориш имконияти қайси ННТни қизиқтирмайди дейсиз. Бу борада танлов иштирокчиларидан талаб этиладиган ҳужжатларни электрон платформани давлат органларининг маълумотлар базаларига интеграция қилиш орқали онлайн олиш мумкин бўлмоқда. Бир сўз билан айтганда, фуқаролик жамияти институтларининг ўзи ва кенг жамоатчилик Олий Мажлис фонди ўтказадиган танловларнинг йўналишларини шакллантиришда бевосита иштирок этиши мумкин бўлади.

Кўп жиҳатлардан катта имкониятлар эшикларини очаётган фармонга асосан ҳар икки йилда Олий Мажлис фонди томонидан тақдирланадиган «Фуқаролик ташаббуси» миллий мукофоти таъсис этилиши эса, бугунги тил билан айтганда, ННТларда ҳам, фуқароларимизда ҳам мотивация уйғотиши турган гап.

Фаолиятимизни оммага етказиш, шу орқали ҳамкорларни кўпайтиришда фуқаролик жамияти институтлари билан елкама-елка турадиган вакилларимиз бор. Бу ҳам бўлса, оммавий ахборот воситалари вакилларидир. Фармон асосида журналистлар ўртасида ҳар йили анъанавий ўтказиб келинаётган «Олтин қалам» миллий мукофоти учун халқаро танловда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ёритиш йўналишида номинация ташкил этилгани, шубҳасиз, бу борадаги ишларимизни ҳам юриштириб юборади. Сабаби, чекка ҳудудларда фаолият юритаётган ННТлар фаолиятининг ҳаммаси ҳам халқимизга етиб боравермасди.

Дарҳақиқат, Янги Ўзбекистонда кенг кўламли ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, сиёсатимизнинг марказида инсон қадри ва унинг манфаатларини таъминлаш энг улуғ мақсад ва вазифа этиб белгиланган экан, «Тараққиёт стратегиямизнинг асосий мазмуни – қонун устуворлиги ва инсон капиталини ривожлантириш, адолатли ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир».

Шундай экан, демак, фуқаролик жамияти институтлари яратилаётган имкониятлардан тўғри фойдаланиб, бор куч ва ғайратларини юртимиз ва халқимиз фаровонлиги йўлида сарфламоқлари лозим.

Нозимхон МАҲМУДОВ,
Ибн Сино жамоат фонди бошқаруви раиси

KO‘ZGU

2024-YIL 24-OKTABR,
PAYSHANBA
№ 128 (5036)

Таассурот



МУШУКЛАРДАН МЕҲРИМИЗНИ АЯМАЙЛИК

ТУРКИЯДА КЎРГАНЛАРИМ...

Ёз кунларининг бири эди. Анталия кўчаларидан кетар эдик. Бир маҳал қаршимиздан чиройли мушук чиқди. Ҳамроҳим – Туркистон шаҳридаги Туркия – Қозоғистон тиббиёт университетини битириб, 12 йилдан бери Белек шаҳрида яшаётган, ҳозир Бурдур давлат касалхонасида шифокорлик қилаётган Миролим Рўзибоевга анчадан буён турк қардошларимизнинг ҳайвонларга, айниқса, мушукларга муносабати ҳақида мақола ёзмоқчи бўлиб юрганимни айтдим. Бу режам унга жуда маъқул бўлди.

Дўстимнинг таъкидлашича, Анталияда ҳайвонлар соғлиғига катта эътибор берилар, ҳатто улар учун алоҳида касалхоналар очилган экан. Мушук эса, биласиз, уйда боқиладиган, кўпчилик ёқтирадиган, одамларнинг атрофида гирдикапалак бўлиб юрадиган уй ҳайвони. Уни ардоқлаш бизга пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам мерос. Ҳадису шарифда келтирилишича, бир куни ул зотнинг Муаззе деб аталадиган мушуги кийимининг бир чеккасида ухлаб қолади. Шунда пайғамбаримиз уни безовта қилмаслик учун кийимининг ўша учини кесиб ўрнидан туриб кетади.

Мен шу пайтгача борган давлатлар орасида мушукларга меҳр-шафқат кўрсатиш борасида Туркияга етадиганини кўрмадим. Мушукларнинг Ўрта Ер денгизи соҳилида жойлашган «Кара Али ўғли» паркидаги шароитни кўриб ҳайратландим. Тоза ётоқлар, махсус идишчаларда озиқ-овқатлар, яна бирида ичимлик суви.

Кузатишимча, мушукни эркалаш, қорнини тўйдириш, иссиқ жой ҳозирлаб бериш кифоя. Бу ишларни бажариш туркиялик қардошларимизнинг кундалик вазифасига айланган. Ўз навбатида, инсондан меҳр кўрган мушук ҳам унга ниманидир айтмоқчи бўлади, эркаланиб-суркалиб дардини олади.

Ҳа, айтганча, бу уй ҳайвонини одамзоднинг самимийлигини аниқлаб берувчи восита деса ҳам бўлади. Чунки мушук парвариши билан банд бўлган кишининг юзидан самимият ёғилиб туради. Шунданми, кейинги пайтларда бу жониворни кўрсам, уни эркалатиб, завқланадиган бўлдим. Инсон мушукка қанчалик меҳрибонлик қилса, ўзининг табиати ҳам ўзгаришига, атрофдагиларга аввалги вақтлардагига нисбатан анча меҳрибонроқ ва мулойимроқ бўлиб қолишига ишонч ҳосил қилдим. Давомини суриштирсангиз, мушук парваришлаган одамларда юрак-қон томир ва бошқа хасталикларга чалиниш кескин камайишини замонавий тиббиёт ҳам тасдиқлаган.

Мушук қўлга тез ўрганади. «Кис-кис» десангиз, ёнингизга келади. Бирор егулик берсангиз, ҳидлаб кўради, ёқса ейди, ёқмаса, юзини буриб кетади. Шунингдек, мушук билан дўст тутинишни истаган киши у еб турган овқатни олиб қўймаслиги лозим, акс ҳолда ёмон кўриниб қолади.

Мушук юқоридан қуласа ёки тепадан ташлаб юборсангиз ҳам, ҳеч қачон бели билан ерга тушмайди. Бунинг боисини айрим диний уламолар қуйидагича изоҳлайдилар: бир куни пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқиб турганида заҳарли илон орқа томонидан келиб қолади. Буни кўрган мушук илонни ўлдиради. Эвазига пайғамбаримиз муборак қўллари билан мушукнинг белини силаб, эркалатган эканлар...

Бинобарин, бошқа жониворлар сингари мушукларни таомлантирганлар инсонларнинг афзалроғидир. Ўзбекистонда ҳам уйида мушук боқадиган меҳридарё кишилар жуда кўп. Шулардан бири Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида яшовчи Камолиддин Эркабоевдир. У хонадонидаги аквариумда балиқ боқишдан ташқари, мушуклар парваришлашни ҳам жуда ёқтиради. Мушуклари зотдор ва қимматбаҳо бўлса-да, уларни сотмайди, сўраганларга ҳадя қилиб юборади. Сабаби, ислом динида мушук олди-соттиси тақиқланган. Масжидга киришга эса ҳайвонлардан фақат мушукка изн берилган. Табиийки, «Битта мушукни ўлдирган еттита жомъе масжиди қуриши керак!» деган нақл ҳам бежиз тўқилмаган.

Модомики шундай экан, келинг, азизлар, мушукларни парваришлашни ўрганайлик, уларга меҳрибонроқ бўлайлик. Пировардида ана шундай хайрли ишларимиз учун бериладиган ажру савоблардан баҳраманд бўлайлик.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси

Мулоҳаза

ОИЛАГА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

ёхуд иш, ота-она ва фарзанд учбурчаги

Германиялик мутахассисларнинг фикрича, энг яхши тарбия зукко ва комил ота-она томонидан ўз фарзандига берилган тарбиядир.

Тушунган ота-оналар фарзандлари илмли бўлиши учун муҳит, шароит яратиб беришади ва ҳар қандай вазиятда ҳам вақт ажратиб, уларнинг таълим-тарбияси билан жиддий шуғулланишади.

Аммо бугун олий маълумотли, илмли ота-оналар сони кўпайиб бораётганига қарамай, дунё педагогларининг хавотири кучаймоқда. Чунки кейинги 10 йил ичида ота-оналарнинг ўз фарзандлари тарбияси учун ажратаётган вақтлари тобора қисқармоқда. Бунда никоҳсиз туғилиш ҳолатлари ва ажрашишлар кўпаяётгани қанчалик ташвишли ҳолат сифатида эътироф этилаётган бўлса, ота-оналарнинг ишга ҳаддан ортиқ берилиб кетишлари туфайли фарзандлари билан бирга бўлишга вақт топа олишмаётгани ҳам энг жиддий сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

МУАММО НИМАДА?

Ишдан чарчаб келган ота ёки онани ҳамда ота-онаси ишдан келишини интизорлик билан кутиб ўтирган кичкинтойларни бир кўз олдингизга келтиринг-а. Бундай пайтда ошхона юмушларига киришиб кетган она ва телевизордан бирор дам олиш дастурини қидираётган ота болалари уларга халақит бермаслигини қанчалик истаса, жажжилар ҳам ота-оналари билан биргаликда дарс тайёрлашни, бирор қизиқарли мавзуда мулоқот қилишни ва ўйинлар ўйнашни шунчалик хоҳлайдилар. Бола кўнглидаги ана шу маънавий истаклар амалга ошмаса, ўксийди, компьютерга муккасидан кетиб, ипсиз боғланиб қолади. Оқибатда ҳис-туйғулари ўтмаслашаётган болакайлар кўпаяди.

Шу ўринда инглиз олими Тимоти Уинтернинг мана бу фикрлари айни ҳақиқат:

«...Ота-оналарнинг иши шунчалик кўпайиб кетаётганидан овқатланиш вақти ҳам ўз қатъийлигини йўқотиб, консерва очиб ейиш ишига айланиб бормоқда. Аслида у бутун оила аъзоларини меҳр ришталари билан бир-бирига боғлайдиган ва орзиқиб кутиладиган фурсат бўлиши керак. Афсуски, бунинг иложи бўлмаяпти. Чунки ота-оналар эрталаб фарзандлари уйғонмасидан туриб, ишга отланади ва уларни кутиб-кутиб ухлаб қолганларида кириб келади. Натижада оила аъзоларининг уйга ва бир-бирига тегишлилик ҳисси йўқолиб бормоқда. Айни чоғда болалар уйни тарк этади. Чунки улар ўзларини уйда ҳеч нарса ушлаб турмаётгандек ҳис этади».

...Аҳвол шу тарзда давом этар экан, ўринли савол туғилади:

ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТУТИШ КЕРАК?

Ота-оналарнинг иш билан банд бўлиб, фарзанд тарбиясига вақт ажрата олмаётгани бизнинг жамиятимизда ҳам кучайиб бормоқда. Кўпчилик болажонлар оталарининг дам олиш куни қачон келишини ҳисоблаб юриши фикримизга оддий далил бўла олади. Японияда эса бундай далиллардан турли-туманини келтириш мумкин. Чунки уларда мазкур муаммо кўлами бизга нисбатан бир неча марта кенг бўлиб, анча ташвишли аҳволга келиб қолган. Ҳатто таътилсиз ишлаш оқибатида касб касаллигига учраб, ўз умрига ўзи зомин бўлаётган японлар сони ортиб бормоқда. Аммо улар муаммони бартараф этиш учун масалага «Иш тарзимизни шундай тартибга солайликки, токи фарзандларимиз тарбияси билан шуғулланишга имкон бўлсин. Акс ҳолда, 20-30 йил ўтгач, ота-она тарбиясида кемтиклик бўлган ёшлар топган-тутганимизни йўқ қилиб, бугунги меҳнатларимизни ҳам чиппакка чиқаришлари мумкин», деб қарашмоқда.

30 йиллик тажрибага эга педагог Машрабхон Умарованинг эътирофича, биз ҳам бир қанча хулосаларни амалий ишларимиз қаторига қўшишимиз лозим.

Маҳаллий шароитга эътибор берадиган бўлсак, мактабгача таълим ташкилотларига қатнайдиган болалар маълум маънода таълимнинг илк ва содда кўринишларидан баҳраманд бўлмоқда. Аммо МТТга қатнамаётган 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар-чи? Уларга уй шароитида берилаётган оилавий таълим-тарбия қониқарлими? Кузатишларга таяниб айтадиган бўлсак, қониқарли аҳволда эмас. Жумладан, кўп ҳолларда вақти етарли бўлган уй бекалари ҳам бола тарбиясига жиддий муносабатда бўлишмайди. Улар болаларининг усти бутлиги, қорни тўқлиги ҳақида кўпроқ ўйлашади, аммо таълим-тарбияси борасида кам қайғуришади.

– Яқинда узоқ қишлоқлардан биридаги хонадонда бўлдим, – дейди яна бир педагог суҳбатдошимиз. – Аввалига ёшгина болакай салом-аликсиз у ёқдан-бу ёққа ўтаверди. Сўнгра бизнинг олдимизга келиб, онасига талпинди. Эътиборимни тортган мурғаккина гўдакка қараб, ёшини сўрадим. У уялдими, гапирмагач, онаси жавоб берди:

– 6 ёшда.

– Вой, мактабга борар экансан-да? Санашни ўрганяпсанми?

Саволимга болакай индамади, аммо унинг ўрнига ёш она хотиржам жавоб берди:

– Менинг ортимдан такрорла, деб санашни ўргатмоқчи бўлсам, ҳеч айтганимни қилмайди. Бу туришда мактабда иккичи бўлиб қолади.

Тўғриси, фарзандида бошланаётган лоқайдликдан қайғурмаётган ва бунга хотиржам қараётган онадан хафа бўлдим. Болага муносабат шу тарзда давом этса, унинг келажаги нима бўлади? Ахлоқи, тарбияси-чи? Боласининг таълим-тарбияси билан шуғулланишга онанинг вақти етарли-ку. Бундай оналарга болалари тарбиясидан-да муҳимроқ яна қандай юмуш бўлиши мумкин? Назаримда, бошқалар тарбияга вақт тополмай чора қидираётган бўлса, биз вақти бор оналаримиз ва албатта, оталаримизнинг ўз вақтларини фарзандлари билан мазмунли ва фойдали ўтказишлари ҳақида ўйлашимиз керак.

ХУЛОСА

Айрим ота-оналар ҳар қандай шароитда ҳам фарзандларига вақт ажратишнинг уддасидан чиқишади. Ишхонадан туриб, уйга қилинган бир зумлик қўнғироқ ҳам, гарчи у ҳол-аҳвол сўрашга ўхшаб кетса-да, аслида ота-онанинг фарзанд тарбияси билан боғлиқ муносабатида муҳим ўрин тутади. Энг муҳими, бу ҳолатлар ота-онада ҳам, фарзандда ҳам оилага тегишлилик ҳиссини кучайтиради ва меҳр ришталарини мустаҳкамлайди. Биз суҳбатда бўлган ота-оналарнинг аксарияти улар ташкил этган иш тартиби фарзандлари тарбияси билан шуғулланишга халақит бермаслигини айтган бўлса, бундай эмаслигидан нолиганлар ҳам камчиликни ташкил этмади. Шундай экан, ота-оналарнинг фарзандлари таълим-тарбияси билан шуғулланиш учун ажратаётган вақтлари ҳақида ўйлаб кўришига зарурат бор. Бу иш тартиби билангина боғлиқ бўлиб кўринса-да, аслида ота-она, фарзанд, оила ва жамият келажагига дахлдордир.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

Кечинма

НЕГА

«ДАДА, СИЗНИ ЯХШИ КЎРАМАН!» ДЕМАДИНГИЗ?

Сиз туғилганингизда йиғлаганингизни эслай оласизми? Йўқ, албатта. Илк бор «Дада» деганингизни-чи? Хўш, қачон охирги марта дадангизга «Дада, сизни яхши кўраман!» деб айтдингиз? Буни ҳам эслай олмасангиз керак. Нима учун, нега?..



Одам ойнага қарамагунича юзига доғ тушганини билмас экан. Тоғдек суянчимиз йиқилганидан, кетганидан кейингина дод солар-канмиз. Отам-а деб бақириб-бақириб йиғлар эканмиз. Заминга, Худога нола қилиб кўз ёш тўкар-канмиз. Ҳатто отамизни сўнгги манзилга кузатаётганда ҳам бунга ишонгимиз келмайди. Сингиллар, опалар, хола-ю аммаларнинг бевақт айрилиқ чоғидаги аччиқ нолалари қалбимизни ларзага солар-кан.

Имом пушти паноҳингиз ҳақига дуолар қилиб, жаноза ўқийди. Сўнг халққа юзланиб мурожаат қилади: «Азизлар, биродаримиз фалончи ака қандай одам эди?». Йиғилганларнинг барчаси, ёшу қари бирдек «Раҳматли яхши, ҳалол одам эди» дея жавоб қайтаради. Шундан сўнг тобут қўлдан-қўлга ўтиб бораверади. Оёқлар сўнгги манзил томон қадам ташлайди. Сиз эса карахтсиз, беҳолу бежонсиз. Йиғлаяпсиз, йиғлаяпсиз, яна ва яна йиғлаяпсиз. Эҳ, нега вақт борида айтмадингиз. Ақалли узоқдан бўлса ҳам қўнғироқ қилиб «Дада, ҳаммаси учун раҳмат!» демадингиз.

Ҳа, отангизни қанчалик яхши кўришингизни бутун халқ ана энди биляпти. Лекин сиз айтмасангиз ҳам уни еру кўкка ишонмаслигингизни, жуда-жуда қадрлашингизни отангиз аллақачон билган.

Эсингиздами, ҳар янги йилда дадангиз сизга совға олиб келарди. «Қорбобо бу совғаларни сенга бериб юборди» деб севинтирарди. Сиз дунёга келганингиздаку, қанчалик хурсанд бўлганини, бу дунёда ундан бахтлироқ одам бўлолмаганини тасаввур ҳам қилолмайсиз.

Ҳозир эса отангизни бир умрга қўним топажак маконга элтяпсиз. Қанийди, бу ёмон бир туш бўлса. Пушти паноҳингизни қайтариш учун боринг-изни беришга ҳам тайёрсиз. Лекин, афсус, ундай бўлмайди! Шу асно одамларнинг гап-сўзлари ҳам қулоғингизга чалинади. «Ҳали яшаши керак эди», «Боласининг тўйини кўрмагани ёмон бўлди-да», «Ўзи неча ёшда ўтди?», «Бу савдо ҳамманинг бошида бор». Оқсоқол отахонлар эса бир-бирининг гапини маъқуллаб кетаверишади: «Дунё шу-да, ҳаммамиз меҳмонмиз».

Сиз эса яна йиғлайсиз. Бу йиғингиз ҳали-вери тугамайди. Мана, отангизни отасининг ёнига қўйишди. Ҳамма бир сиқим тупроқ олиб сочяпти. Қўлингиз қалтирайди. Кўзларингиз жиққа ёш. «Отажон, охиратингиз обод бўлсин!». Ҳамма сизга тасалли беради, таъзия изҳор этади. «Бандалик, Аллоҳ сабр берсин!»...

Сиздан сўраяпман, отангиз тириклигида нега «Дада, сизни яхши кўраман!» демадингиз? Шу бир оғиз сўзни айтишга вақт тополмаганингиз учун энди афсусдасиз. Армон гулханида юрагингизни юз марталаб, минг марталаб ёқаяпсиз. Лекин энди кеч, энди фойдаси йўқ...

Умид ХУДОЙҚУЛОВ
«ISHONCH»

Мушоҳада

Яратган инсонга берадиган энг олий неъматлардан бири, шубҳасиз, фарзанддир. Уни мурғаклигиданоқ ниҳолдек асраб-авайлаш ва тўғри парваришлаш эса ота-онага боғлиқ. Агар улар ўз бурч-вазифаларини бекам-кўст адо этмасалар, дилбандлари тақдирига лоқайдлик билан қарасалар, зурриётларининг келажаги барбод бўлади. Афсуски, ҳаётда бундай ҳолатлар тез-тез рўй бериб туради. Масалан, яқинда ижтимоий тармоқларда Саодат исмли 11 ёшли қиз ўгай онаси ва ўз отаси томонидан аёвсиз калтаклангани акс этган видео тарқалди. У иймони бор кишиларнинг кўзларини ёшга тўлдирди ҳамда Интернет оламида қизғин муҳокамаларга сабаб бўлди.

КЎНГИЛ КЕМТИК БЎЛМАСИН!

Албатта, шаҳар бедарвоза эмас, қонун, бола ҳуқуқлари деган нарсалар бор. Демак, жиноят жазосиз қолмайди. Ушбу ҳолатни ўрганган масъул шахсларнинг аниқлашича, қизалоққа анчадан буён шундай тазйиқлар ўтказиб келинган. Бир неча кун дарсга келмаганидан хавотирга тушган синф раҳбари Саодатни уйига излаб борганида, у ертўлага қамаб қўйилганининг гувоҳи бўлган.

Бизни ҳайратга солгани бу қиз йиллар оша шундай зулм ва хўрликларга чидаб келган. Ён-атрофдагилар, қўни-қўшнилар буни кўрган-билган, лекин бирортаси ҳам ёрдам бермаган. Аксинча, «У бировнинг боласи бўлса, бизнинг қўлимиздан нима ҳам келарди?» дея ўзларини четга олишган. Ҳолбуки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Кимки бир ёмонликни кўрса, уни қўли билан тузатсин. Агар (қўли билан қайтаришга) кучи етмаса, тили билан қайтарсин. Бунга ҳам кучи етмаса, қалбан ёмон кўрсин», деганлар. Бас, шундай экан, бир норасида озор чекаётганига томошабин бўлиб, жимгина қараб туриш инсонийликни унутиш ҳисобланади.

Тўғри, Саодат устозининг маслаҳати билан бир марта ўзи яшаётган маҳалла посбонига мурожаат қилган. Лекин фойдаси бўлмаган, азоблари ортса ортганки, камаймаган. Психологлар билан суҳбат чоғи ота-онаси билан яшашни хоҳламаслигини айтгач, у давлат ҳимоясига олинган.

Тўғри, давлат бу қизни яхши яшаш жойи, озиқ-овқат ва янги кийим-кечак билан таъминлаши тайин. Аммо бу билан унинг кемтик кўнгли бут бўлармикан? Туққан онаси оламдан ўтган бўлса, унга отаси бериши керак бўлган меҳрни биров бера олармикан? Ўз яқинлари бўла туриб, уларнинг дийдорига тўймай яшаш қанчалар азоб эканини бошқалар ҳам у сингари ҳис эта олармикан? Бизнингча, халқимиз «Онасиз етим шум етим, отасиз етим гул етим» деган нақлни бежиз яратмаган. Бутун дунё йиғилса ҳам, ҳеч қачон бир онанинг ўрнини боса олмаслиги аниқ!

Кошкийди, орамизда Саодатдек оғир қисмат гирдобида яшаётганлар кам бўлса...

Мухлиса МУХТОРОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг халқаро журналистика йўналиши 3-босқич талабаси



МУАССИС:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay’ati raisi),
Ulug‘bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G‘OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV
(Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari),
Mehriddin SHUKUROV
(Mas’ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK
(Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog‘iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg‘ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir: A. Haydarov

Musahhihlar: D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

Sahifalovchi: H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti – 22:20
Topshirildi – 22:40

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko‘rsatkichi: **133**

Umumiy adadi 35 021 ta
Shundan:
7 139 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;
19 083 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;
8 799 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg‘ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda
chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G-1011

1 2 3 4 5 6